

## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИНИ БОШҚАРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ РОЛИ**



**Синдаров Шерзод Эгамбердиевич**

*иқтисодиёт фанлари доктори профессор  
Тошкент молия институти  
E-mail: sherzodsindarov@mail.ru  
ORCID.org/0009-0008-0058-2924*

### **Анотация**

Ички аудит бюджет ташкилотини самарали бошқаришнинг асосидир. Аудиторлар давлат ресурсларини самарали ва тўғри бошқарилишини баҳолаш орқали бюджет ташкилотининг жавобгарлиги, ҳисоб маълумотларининг ҳаққонийлиги ва фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Мазкур мақолада ички аудитнинг бюджет ташкилотидаги ролига ва бу орқали бажарадиган назорат усуллари ва асосий таркибий қисмларига эътибор қаратилган. Юқорида қайд этилган масалалар ечими натижасида ички аудит фаолияти бюджет ташкилотининг ўз мақсадларига натижали, самарали эришиш имконини беради. Шунингдек, бюджет ташкилотининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

**Калит сўзлар:** аудит, бошқарув фаолияти, бюджет ташкилоти, ички аудит, маблағ, самарадорлик, хўжалик фаолияти, ҳисобот.

## **РОЛЬ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В УПРАВЛЕНИИ БЮДЖЕТНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ**

**Синдаров Шерзод Эгамбердиевич**

*доктор экономических наук профессор  
Ташкентский финансовый институт  
E-mail: sherzodsindarov@mail.ru  
ORCID.org/0009-0008-0058-2924*

### **Аннотация**

Внутренний аудит является основой эффективного управления бюджетной организацией. Аудиторы помогают улучшить подотчетность, точность и эффективность бюджетной организации, оценивая эффективное и

надлежащее управление государственными ресурсами. В данной статье основное внимание уделяется роли внутреннего аудита в бюджетной организации и методам и основным компонентам контроля. В результате решения вышеуказанных задач деятельность внутреннего аудита позволяет бюджетной организации эффективно и результативно достигать поставленных целей. Он также обеспечивает подотчетность и прозрачность бюджетной организации перед общественностью.

**Ключевые слова:** аудит, управленческая деятельность, бюджетная организация, внутренний аудит, финансирование, эффективность, хозяйственная деятельность, отчетность.

## **THE ROLE OF INTERNAL AUDIT IN MANAGEMENT BUDGET ORGANIZATION**

**Sindarov Sherzod Egamberdievich**

*Doctor of Economic Sciences Professor*

*Tashkent Institute of Finance*

*E-mail:sherzodsindarov@mail.ru*

*ORCID.org/0009-0008-0058-2924*

### **Abstrakt**

Internal audit is the basis of effective management of budget organizations. Auditors help to improve the accountability, accuracy and performance of budget organizations by evaluating the effective and proper management of public resources. This article focuses on the role of internal audit in budget organizations and the methods and main components of control performed by it. As a result of the above-mentioned issues, internal audit activities in budget organizations allow budget organizations to achieve their goals in a productive, efficient, economic and ethical manner. It also ensures public accountability and transparency of budget organizations.

**Key words:** audit, management activity, budget organization, internal audit, funds, efficiency, economic activity, reporting.

### **Кириш**

Бошқарув фаолияти ташкилотнинг ўз мақсадларига эришишдаги бажариладиган амалларини баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш учун амалга ошириладиган жараён ва тузилмаларнинг комбинацияси сифатида белгиланади. Бюджет ташкилотида бошқарув фаолияти мақсадларни

белгилаш ва унга эришишга қаратилган. Шунингдек у бюджет ташкилоти фаолиятига оид ахборотнинг ишончлилиги ва кўрсатиладиган хизматнинг адолатлилигини таъминлаш орқали бюджет ташкилотида коррупция хавфини камайтирадиган фаолиятни ўз ичига олади.

Тадқиқот бюджет ташкилотида аудит фаолиятининг аҳамиятини очиб беради ва бюджет ташкилоти фаолиятининг барча даражалари учун ички аудит фаолияти қийматини максимал даражада ошириш учун зарур бўлган асосий элементларни аниқлайди.

Бюджет ташкилотида ички аудиторнинг роли биринчи навбатда бошқарув фаолияти доирасида назорат, тушуниш ва прогноз мезонларини баҳолаш. Назорат бюджет ташкилотининг вазифаларини амалда бажарилишини ҳал этади ва давлат секторида коррупцияни аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади. Бюджет ташкилотида қарор қабул қилувчи шахс юқори раҳбариятга давлат дастурлари, сиёсати, фаолияти ва натижаларини мустақил баҳолашни таъминлайди, келажақда юзага келиши мумкин бўлган ўзгариш, хавф ва муаммоларни аниқлайди. Аудитор ушбу вазифаларнинг ҳар бирини тўғри бажариш учун молиявий аудит, самарадорлик аудити ва турли тадқиқотлар каби фаолиятни амалга оширади.

### **Адабиётлар шархи**

Бюджет ташкилотини бошқаришда ички аудитнинг роли борасида аксарият ҳолларда хорижлик олимларнинг изланишларини кўриш мумкин. Жумладан, Леман Кулиеванинг изланишларига кўра, “жамоат вакиллари сифатида фаолият юритувчи бюджет ташкилоти ходимлари ўзларининг мажбурий вазифалари, ресурслардан фойдаланиш ва жамиятнинг талабларини қондириш учун жавобгардир. Самарали аудиторлик фаолияти амалга оширилган операциялар натижасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтиради. Текширилаётган бюджет ташкилотининг раҳбар шахси аудиторга муассасанинг бухгалтерия ҳисобини ҳолисона баҳолаш ва ресурслардан мақсадларга мувофиқ фойдаланилиш ҳолатини баҳолашни белгилайди” [2].

Essay Saucенинг фикрича: “Ички аудит орқали молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини молиявий ахборотдан фойдаланувчиларга кўрсатиш зарурати турли сабабларга кўра юзага келади. Булар:

манфаатлар тўқнашуви: ходимлар ресурс ва ваколатлардан муассаса манфаатларидан кўра ўз манфаатларига мувофиқ фойдаланиши;

масофа: муассаса раҳбари операцияларни бевосита кузата олмайди;

мураккаблик: муассаса раҳбари фаолиятни назорат қилиш учун техник тажрибага эга эмас;

хатолар: банд бўлган ходимлар иш жараёнларида хатоларга йўл қўйиш” [3].

Douglas F. Prawittнинг изланишлари бўйича: “Ички аудит – бу ташкилот раҳбариятининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини ёки бошқарув амалиётининг мустақил ва объектив тақдим этилишини баҳолаш” дан иборат [4].

L.L. Lisic бошчилигидаги олимлар: “Хусусий секторда тафтиш комиссиялари очик компанияларнинг молиявий ва ахлоқий яхлитлигини мустаҳкамлаш учун назоратни таъминлаш учун тузилади. Ушбу назорат жараёни самарали бошқарув учун жуда муҳим бўлганлиги сабабли, давлат муассасаларида ҳам тафтиш комиссияси керак. Бундан ташқари, давлат муассасаларининг ўзига хос шартларига қараб, тафтиш комиссиялари турли хил бошқарув қоидалари доирасида ишлайди” [5], дея фикр- мулоҳазаларини билдиришган.

Johnathan Magrane “Тафтиш комиссияси ички ва ташқи аудит иш режалари ва натижаларининг мустақил равишда текширилишини таъминлаш, аудиторлик эҳтиёжларини баҳолаш ва аудиторларнинг ташкилот билан муносабатларига воситачилик қилиш орқали давлат сектори аудити фаолиятининг мустақиллиги, ҳалоллиги ва самарадорлигини сезиларли даражада мустаҳкамлайди”[6] деган фикрни олдинга суради. Бунда аудит қўмиталари аудит натижаларининг эълон қилинишини, ижобий тақлиф ёки тузатишларни кўриб чиқилиши ёки ҳал қилинишини таъминлайди.

А.Остонокулов бюджет ташкилотининг давлат хариди жараёнида ички аудитнинг зарурлиги ва аҳамиятини назарий ҳамда амалий жиҳатдан очиб берган. Бунда харид билан боғлиқ шартноманинг тузилиши, товар (иш ва хизмат)нинг етказиб берилиши, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китобининг ҳаққонийлиги ва қонунийлиги аудит хизмати томонидан ўрганиладиган асосий объект сифатида асослаб берилган [8].

Бизнингча, ички аудит – бюджет ташкилотини самарали бошқаришда соҳага оид ташкилотнинг ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш учун вазифаларни бажариш учун ажратилган ресурслардан мақсадли фойдаланиш ҳолати ва назорат қилиш тизими тўғрисида ахборот берувчи фаолиятдир.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ички аудит хизмати бюджет ташкилотида унинг фаолият турига қараб ўз вазифаларини белгилайди. Бюджет ташкилотини олий таълим

муассасалари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, олий ўқув юртлари ўз даромад ва харажатлар сметалари асосида маълум миқдорда бюджетдан молиялаштирилади. Бундан ташқари, олий ўқув юрти тўлов-контракт пули, ривожлантириш жамғармаси маблағи, инновацион ишланмалари ва гранд лойиҳалари маблағлари асосида ҳам маълум миқдорда молиялаштирилади.

Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади [1].

Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағи – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилот ихтиёрига келиб тушадиган маблағдир. Бюджетдан ташқари маблағ бўйича алоҳида-алоҳида даромад ва харажат сметалари тузилади ҳамда молия йили давомида амалга оширилади.

Демак, бюджет ташкилотининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритилиши, режалаштирилиши, сарфланиши юзасидан жорий назорат қилиниши лозимдир.

Бюджет ташкилотида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфини назорат қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилona фойдаланишни таъминлаш бевосита ҳисоб ишларини ташкил қилиш ва юритиш орқали амалга оширилади. Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар бюджет ташкилотининг даромад ва харажат сметалари ижроси ҳисоби услубиётини янада такомиллаштиришни талаб этади [7].

Бюджет ташкилотининг ҳисоб юритиш шакли, бир нечта сметалар асосида топшириладиган ҳисоботлари, молиялаштириш манбалари кўп тармоқлилигидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотида ички аудит хизматини ташкил этишнинг аҳамияти янада юқорилигини кўришимиз мумкин.

Бюджет ташкилотида ички аудитни ушбу масалаларини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 21 августда ПҚ-3231-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади бюджет муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш,

шунингдек замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқишдир.

Бюджет ташкилотида ички аудит томонидан бошқарувнинг ишончилиги учун тақдим этиладиган хизматлар куйидагилардир:

текширилаётган шахсларга нисбатан мустақил муносабат ва текширилаётган объектга объектив муносабат;

муҳим ва тегишли далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун тизимли жараёнлардан фойдаланиш;


натижаларни шакллантириш мезонларини таққослаш;

кенг тарқалган профессионал аудит стандартларидан фойдаланиш.

Бизнингча, ички аудит – бу ташкилот фаолиятини яхшилаш ва қиймат кўшиш учун мўлжалланган мустақил, объектив ва ишончли маслаҳат олиш фаолияти ҳисобланади. Ички назорат бу ташкилотга рискларни бошқаришга ва бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолашга ва яхшилашга тизимли ёндашувни кўллашга имкон яратиб, мақсадларга эришишга ёрдам беради. Ички аудит жавобгарлик муносабатларига хизмат қилади.

1-чизма.

**Бюджет ташкилотида ички аудит муносабатлари\***



\*Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ҳар бир бюджет ташкилоти тафтиш комиссиясининг муайян вазиятга мос келишини аниқлаш учун бошқарув тузилмасини баҳолаши керак. Тафтиш комиссиясига бўлган эҳтиёж индивидуал ҳолатларга, аудиторлик фаолиятининг хусусиятига ва юқори турувчи орган ёки кузатувчи кенгашнинг қарорига боғлиқ бўлади. Тафтиш комиссиясининг иш соҳасидаги айрим амалиётлари қуйидагилардан иборат:

белгиланган вазифани бажариш учун ишни расмий ташкил этиш;

аудит, молия, риск ва назорат бўйича билимга эга бўлган мустақил аъзоларни тафтиш комиссияси таркибига киритиш;

аудит учун масъул бўлган бош аудитор ва бошқа аудиторлардан бутунлай мустақил бўлган аъзолардан тафтиш комиссиясини тузиш;

ташкилот ёки ташкилотнинг рискларини бошқариш, бошқарув тизимининг таъсирчанлигини, унинг бошқарув ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаш;

ташкилотнинг ички аудит фаолиятини етарлича ресурс билан таъминлаш, ички аудит шартномаси ва аудит режаларини тасдиқлаш, аудиторлик фаолияти натижаларини баҳолаш, аудиторларни тайинлашга розилик бериш мақсадида назоратни таъминлаш;

ташкилотни бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ текшириш;

ташкилотнинг бошқарув кенгаши ёки юқори турувчи идораларга мунтазам ҳисобот бериш.

Бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати ташкилот фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, унинг иш фаолиятини қонун доирасида олиб бориш, даромад ва харажат сметаларини тузиш, ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ўз маслаҳат ва тавсияларини бериш билан ҳам шуғулланади. Шу сабабдан ички аудитга таъриф бераётганимизда унинг профессионал хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз топдик. Чунки давлат молиявий назорат хизмати томонидан бюджет ташкилотини назорат қилиш ишлари ҳам олиб борилади. Бюджет ташкилоти ички аудит хизматининг асосий жиҳати эса, давлат молиявий назоратидан фарқли равишда ёрдамчи назорат унсури сифатида номоён бўлади.

Юқоридаги таърифлардан ички аудит хизматининг аҳамияти юқорилигини англашимиз мумкин. Кўп ҳолларда бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати ва давлат молиявий назоратини ўзаро бир-бирига ўхшатиб ёки адаштириб қуйишади. Лекин улар аслида бир-бирига ўхшамаган функциялар ва вазифаларга эга.

Ички аудит хизмати бу ташкилотнинг фаолиятидаги номуносивликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва керакли маслаҳат, тавсияларни бериб бориш ва доимий мониторинг ўтказиш билан тавсифланади. Давлат молиявий назорати – бюджет тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилишларини аниқлаш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таққослаш билан шуғулланади.

### **Хулоса**

Бюджет ташкилотида ички аудит давлат бошқарувининг яхши калити бўлганлиги сабабли, у ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри фойдаланиш жараёнини баҳолашда жуда муҳим воситадир. Бюджет ташкилотининг барча молиявий-ҳўжалик фаолиятига жавоб бериши учун бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати иқтисодий тизимини ҳар томонлама қамраб олиши керак. Бюджет ташкилотининг фаолиятини холис ва мустақил баҳолаш учун ички аудит жараёни зарур. Айрим бюджет ташкилотларида ички аудит механизми мавжуд бўлса, бошқаларида бу тузилма мавжуд эмас. Бюджет ташкилоти фаолияти нафақат ички аудит, балки ташқи аудит (давлат молиявий назорат) томонидан ҳам ўрганилади ва баҳоланади. Ушбу ўринда ички аудит бюджет ташкилотини самарали бошқаришда муҳим саналади.

Бюджет ташкилотида ички аудит фаолияти ва ҳисобот муносабатлари турли фаолият соҳалари бўйича амалга оширилади. Бюджет ташкилотининг ўз фаолиятини амалга ошириши, маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда самарали бошқаришни таъминлаш иқтисодий ва ахлоқий жиҳатдан, шунингдек, белгиланган мезонларга мувофиқ, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш ва ахборотларни ошкор қилиш мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиёт**

1. “Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатга олинган).

2. Leman Quliyeva. Effectiveness of Internal Audit in The Public Sector. Accounting and Auditing. 2021. – P. 1-6.

3. Essay Sauce. Essay: Internal audit effectiveness. Essay Sauce for Students: all the Ingredients of a Good Essay 24 November 2019.



4. Douglas F. Prawitt. Internal audit quality and earnings management. *The Accounting Review* 84(4). September 2008. – P. 1-8.
5. Lisic, L. L., Neal, T. L., Zhang, I. X., Zhang, Y. (2016). CEO power, internal control quality, and audit committee effectiveness in substance versus in form. *Contemporary Accounting Research* 33 (3): 1199-1237.
6. Johnathan Magrane. Audit Committee Effectiveness: A Public Sector Case Study. *Managerial Auditing Journal*. 2010 25(June). – P. 427-443
7. Шаймарданова Д. Бюджет ташкилотини молиялаштириш манбалари, улар бўйича сметаларни тузиш ва ижроси ҳисобининг хусусиятлари. //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – 2017. №2.
8. Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. (2023). Audit inspections of state purchases and contracts signed on the basis of tender in budgetary organizations. *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*, 2(2), 99–112. Retrieved from – <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/1134>